


**Хотин-қизлар фаолларининг
фаолиятини самарали олиб бориш
учун семинари бўлиб ўтди.**



Қумқўрғон тумани халқ таълимига қарашли 33-мактабининг фаоллар залида
маҳалла хотин-қизлар фаолларининг фаолиятини самарали олиб бориш учун

талаб этиладиган билим ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ўқув семинари бўлиб ўтди.

Ушбу семинарда хотин-қизлар фаоллари учун ишсиз хотин-қизларнинг эҳтиёж ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда уларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касб-ҳунарга ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни ташкил этиш механизмлари, хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, эрта туғруқ ва эрта никоҳнинг олдини олиш, хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини ошириш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тубдан яхшилаш каби масалалар бўйича керакли ма'лумотлар берилди.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олдилар